

Сизда ҳам шундай дўст борми?



19:49 / 02.11.2022 1460

Ҳикоя қилишларича, икки дўст сафарга чиқдилар. Йўл юриб бир меҳмонхонага жойлашдилар. Эртаси куни эрталаб уйғонишганда улардан бири 100 динор пулини йўқотиб қўйди. Дўстидан: «Ҳамёнимда 100 динор бор эди, кўрмадинг-ми?», деб сўради.

Дўсти: «Ҳа, кеча кечқурун ўрнимидан туриб ўша пулни эҳтиёжимга ишлатиб юбордим», деди.

Бу гапни эшитган дўсти: «Ҳечқиси йўқ», деб қўйди.

Икковлари яна баъзи юмушларни бажариш учун кўчага чиқиб кетдилар. Ишларини битириб, меҳмонхонага қайтганларида фаррош уларни кутиб олди-да: «Хонангизни тозалаб турганимда 100 динор топиб олдим», деди. Пулни йўқотган йигит дўстига таажжуб билан боқиб: «Пулни олдим демаганмидинг?!», деб сўради.

Шунда дўсти: «Хонада иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Агар мен олмадим деганимда, ўртамизга шайтон оралар эди. Шунинг учун ўша пул мени зиммамда қарз бўла қолсин, кейин мен уни сенга тўлаб бераман. Пулни ёки дунё ташвишини деб дўстлигимизга путур етмасин дедим», деб жавоб берди.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: «Солиҳ мўмин дўстларни кўпайтиринглар, Қиёмат куни уларга шафоат изни берилади» деганлар. Шундай экан, биз кимни дўст тутяпмиз. Дўстларимиз солиҳ кишиларми, ўзимиз ҳам солиҳмиз-ми, бунга эътибор берайлик.

Аллоҳ таоло дўстларимизни биз учун, бизни улар учун солиҳ дўст қилсин.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси
Хуршид Маъруф тайёрлади